

Нижневартовскда масжид қурилишини яқунлаш муддати эълон қилинди



20:06 / 12.06.2021 1419

Кейинги йил Нижневартовскда янги қурилаётган масжиднинг очилиши режалаштирилмоқда. Бу ишлар Волга Болгарияси томонидан Ислом дини қабул қилинганлигининг 1100 йиллигига тўғри келади. Бу ҳақда islam.ru манбаси хабар беради.

Масжид маҳаллий мусулмонлар маблағлари ҳисобига бунёд этилмоқда. У икки блокдан иборат бўлиб, биринчисидан тўртта минора, иккинчисидан яна битта минора ва мадраса қурилади. Шу билан бирга масжид хонақосида 2500 киши, унинг ҳудудида 2 минг киши ибодат қилиши мумкин. Ҳозирги вақтда мажмуанинг асосий қисми деярли тайёр. У ерда асосан тугатиш ишлари олиб борилмоқда. Энди бинонинг иккинчи босқич ишлари фаол равишда бошланяпти.

Хуршид Маъруф тайёрлади